

Бу ерда сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Biznes-Эксперт” журнаliga йил давомида обуна бўлиш мумкин.
Нашрга обунани расмийлаштиргач,
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Matbuot tarqatuvchi” АЖ
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри
“Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам
расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси – 1169.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.

Biznes-Эксперт

№ 2, 2022

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг
ўзига хос хусусиятлари

33

In this issue:

Consumer buying behavior and satisfaction in the
Uzbek automobile industry

143

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Вақтни бой берманг!

Сиз журналга обуна бўлиш орқали:

- Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида таҳлилий мақолалар;
- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти барча тармоқларининг таҳлили ва шарҳига бағишланган мақолалар;
- жаҳон ва мамлакатимиз фонд, валюта, товар-хом ашё биржаларидаги савдо яқунлари ҳамда иш жараёнларини ёритувчи мақолалар;
- жаҳон молия бозорлари, банк, суғурта, лизинг тизимларида рўй бераётган энг сўнгги маълумотлар;
- валютани мувофиқлаштириш, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг иқтисодий вазиятга таъсири, дунё валюталари ҳақида ахборотлар;
- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиёти, янгиликлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари берган назарий ва амалий шарҳлар;
- маркетинг мутахассислари учун: маркетинг, истеъмолчилар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ахборотлар олиш ва уларни қайта ишлаш услублари;
- бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва божхона қонунчилиги каби долзарб масалаларнинг муҳокамаси;
- илмий даражага даъвогар иқтидорли талаба ва ёш олимларнинг изланиш ва тадқиқотлари билан бевосита танишиш имконини қўлга киритасиз.

УНУТМАНГ!

Biznes-Эксперт журнали сизнинг энг яқин ҳамкорингиз



Обуна индекси – 1169
Қўшимча маълумот учун телефон:
(71) 259-21-95

По вопросам размещения рекламы обращаться по телефонам:
259-22-06, 259-21-97

Варианты размещения	Стоимость однократного размещения, тыс. сумов	Размеры модуля
Вторая-третья страницы обложки		
Страница	600	295×205мм
½ страницы	310	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	210	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	160	145×105мм, 78×205мм
Внутренние страницы		
Разворот	1000	295×410мм
Страница	400	295×205мм
½ страницы	210	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	140	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	110	145×105мм, 78×205мм
Classified*	40	50×60мм
Четвертая страница обложки		
Страница	800	295×205мм

* - минимальный рекламный модуль (размер 50×60мм) публикуется на внутренних страницах.

Скидки даются за кратность публикаций при объеме рекламы и объявлений не менее 100 кв. см и только при 100%-ной предварительной оплате заказа на следующих условиях:






- размещение **от 3 до 5 раз** – 5%;
- размещение **от 6 до 8 раз** – 10%;
- размещение **от 9 до 12 раз** – 20%;
- размещение **от 13 и более раз** – 25%;
- размещение минимального рекламного модуля в одном номере **от 5 и более раз** – 10%.

Стоимость подписки на один экземпляр журнала на весь 2022 год **414 000 сумов.**

Технические требования к макетам:
Форматы: TIFF, CDR (Corel Draw), AI (Adobe Illustrator) или INDD (InDesign).

Цветовая модель CMYK, разрешение – 300 dpi

Варианты размещения рекламы в журнале



Мундарижа

Инновацион салоҳият		
Гузэл ХОНКЕЛДИЕВА, Нурбек ПУЛАТОВ. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жиҳатлари	3	
Кластер		
Бекзод ШОДИЕВ. Қорақўлчилик тармоғида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	7	
Рақобатбардошлик		
Махсад УРАКОВА, Маъсума ТАИРОВА, Ирода НИЁЗОВА. Инновацион ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодий шакллантириш масалалари	11	
Олий таълим		
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ, Нигина ОДИНАЕВА, Ибрагим АТИПОВ. Замонавий шароитларда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш масалалари	14	
Хориж тажрибаси		
Дилфруз ҚУРБОНОВА. Сифат менежменти тизимида ходимларни рағбатлантиришнинг илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси	17	
Минтақа иқтисодийети		
Жавлонбек ХАЛИМОВ. Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш индикаторларининг иерархияси	24	
Назария		
Зиёдулла ХАКИМОВ. Саноат кластерларининг шаклланиши ва ривожланиш назарияси	29	
Корпоратив бошқарув		
Искандар ЙҮЛДАШЕВ. Корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	33	
Солиқлар		
Умид НОРМУРЗАЕВ. Солиқ имтиёзлари ҳисобининг юритилиши, улардан самарали фойдаланиш ва самарасиз имтиёزلарни бекор қилиш масалалари	36	
Тараққиёт		
Шерзод МАХСУДОВ. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари	39	
Долзарб мавзу		
Шахноза НУРУЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА, Барчиной ХИДИРОВА. Худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш йўллари ва тамойиллари	43	
Қишлоқ хўжалиги		
Нафиса ХАДЯТУЛЛАЕВА. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқаришда кластерларни ривожлантириш хусусиятлари	46	
Инвестицион фаолият		
Махфуза РУСТАМОВА. Тўқимачилик корхоналарида инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлиги	49	
Хизматлар соҳаси		
Фируза АЧИЛОВА. Аҳолига уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш механизми	52	
Саноат		
Наргиза УМАРОВА. Мамакатимизда қурилиш материаллари саноати ривожланишининг устувор йўналишлари	55	
Молиявий стратегия		
Фирдавс САЙДНАЗАРОВ. Корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш усуллари	59	
Кун мавзуси		
Санжар ЭШМАТОВ. Мамакатда COVID-19 шароитида озиқ-овқатлар хавфсизлигини таъминлаш йўллари	64	
Меҳнат унумдорлиги		
Феруз КУРБАНОВ. Меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни моделлаштиришнинг назарий-усулбий асослари	71	
Таҳлил		
Элбек ЖАББОРОВ. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиқларини ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили	76	
Рақобат		
Сардор ТУРСУНХҲҲАЕВ. Рақобат разведкаси корхонанинг стратегия воситаси сифатида	81	
Нигоҳ		
Абдумажид САЛИМОВ. Фарғона вилояти кичик саноат корхоналари: фаолият ҳолати таҳлили ва ривожлантириш йўналишлари	85	
Тадбиркорлик		
Нилуфар ЭРНАЗАРОВА. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий масалалари	91	
Ахборот технологиялари		
Алишер РУСТАМОВ. Минтақа саноатини илмий ва технологик ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларнинг ўрни	94	
Тежамкорлик		
Шавкат БОЛТАЕВ. Хизмат кўрсатиш соҳасида харажатлар тежамкорлигининг қиссий таҳлилин тақомиллаштириш масалалари	98	
Туризм		
Азиз ҚОДИРОВ. Худудларда экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолашга усулбий ёндашув	101	
Бошқарув		
Наргиза ХУДАЙБЕРДИЕВА. Хизматлар соҳасида бошқарув жараёнлари ривожланишининг илмий-назарий асослари	104	
Сервис		
Шаҳрибону ЮЛДОШЕВА. Уй-жой коммунал хўжалиқлари томонидан сервис хизматларини шакллантириш механизми ва хориж тажрибалари	111	
Банк иши		
Сардор АХМЕДЖАНОВ. Пандемиядан сўнгги даврдаги фойз ставкаси сиёсатининг иқтисодий ривожланишга таъсири	117	

Содержание

Малый бизнес		
Азиза ХАЛИЛОВА. Поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане в условиях пандемии COVID-19	121	
Оценочная деятельность		
Игорь БУТИКОВ, Нодирбек ХУСАНОВ. Совершенствование методологических основ подготовки кадров для оценочной деятельности	125	
Трудовые ресурсы		
Шахноза АВЕЗОВА. Эконометрическое моделирование и прогнозирование численности трудовых ресурсов Бухарской области	131	
Business education		
Nozima ZUFAROVA. Business education market as a key of new business era	137	
Consumer behavior		
Kadrkhujja BOBOEV. Consumer buying behavior and satisfaction in the uzbek automobile industry	143	

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Абдурашид ҚОДИРОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

УЎТ:330.52

Инновацион ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш масалалари

Вопросы формирования конкурентоспособной экономики на основе инновационного развития

Issues of forming a competitive economy through innovative development

Махсад УРАКОВА,
Маъсума ТАИРОВА,
катта ўқитувчилар
Ирода НИЁЗОВА
ўқитувчи
Бухоро давлат университети

Аннотация

Мақолада инновацион ривожланишни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш масалалари ўрганилган. Бугунги замонавий шароитларда инновацион ривожланишга ўтиш заруратини белгиловчи омиллар тадқиқ этилган. Шунингдек, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда инновацион ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналишлари келтирилган.

The article examines the issues of increasing the competitiveness of the national economy by ensuring innovative development. The factors determining the need for the transition to innovative development in today's modern environment have been studied. It also outlines the priorities for innovative development in building a competitive economy.

В статье рассматриваются вопросы повышения конкурентоспособности национальной экономики за счет обеспечения инновационного развития. Изучены факторы, определяющие необходимость перехода к инновационному развитию в современных условиях. В нем также изложены приоритеты инновационного развития в построении конкурентоспособной экономики.

Жаҳон иқтисодий майдонида глобаллашув жа- раёнларининг тобора ривожланиб бораётганлиги мамлакат миллий иқтисодиёти рақобатбардошли- гини ошириш заруратини бугунги куннинг энг асо- сий масалаларидан бирига айлангирди.

Бугунги замонавий шароитларда дунё аҳоли- сининг ўсиб бориши, экологиянинг ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, миллий иқтисодиёт рақо- батбардошлигини ошириш, инсон капитали ва энг илғор, юқори технологияларга асосланган иннова-

цион иқтисодиётга ўтишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда глобал ҳодиса ҳисобланган COVID-19 пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши натижасида жаҳон ҳамжамиятида куза- тилаётган глобал инқироз рақобатбардош иқтисо- диётни шакллантиришни талаб этмоқда. Бундай ва- зиятда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инновацион ривожланишни таъминлаш дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Зеро, инновацион ривожланиш борасидаги ислохотлар зарурлиги тўғрисида Ўзбекистон Ре-

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, инновация, инновацион ривожланиш, рақобатбардош иқтисоди- ёт, модернизация.

спубликаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [1], дея таъкидланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда инновациялардан фойдаланиш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, турли мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларига асосланган корхона ва бирлашмаларнинг пайдо бўлиши, улардаги бошқарув механизмларини такомиллаштириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни янада ривожлантириш кабилар устувор вазибалар сифатида белгиланди. Натижада инновация, инновацион фаолият, инновацион жараён, инновацион муҳит, инновацион инфратузилма, инновацион иқтисодиёт, инсон капитали, билимларга асосланган иқтисодиёт, инновацион салоҳият каби тушунчалар кундалик ҳаётимизга кириб келди ва оммалашиб бормоқда.

Иқтисодий фанда “инновация” нинг моҳиятини илк бор австриялик олим Й.Шумпетер қуйидагича таърифлаган. “Инновация – мавжуд жараёнга янги қараш, ёндашув бўлиб замонавий кашфиёт, ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни муайян жараёнда қўллаш”. Унинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Унинг назариясида тадбиркорлик ишлаб чиқаришининг тўртинчи омили сифатида қаралади.

Шунингдек, тадбиркорларнинг вазибаси янги товарлар ёки эски товарлар янги услубда ишлаб чиқариш учун ихтиролардан фойдаланиб, янги хомашё ва материаллар манбалари ёки янги янги бозорлар очиб, янги ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан иборат. Олим инновациялар, тадбиркорлар туфайли иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар содир бўлишини башорат қилган [2].

Глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашувнинг ҳозирги босқичларида инновация – бу рақобатбардошликнинг асосий омилидир. Нафақат бир корхона мисолида, балки алоҳида тармоқ, миллий ва жаҳон иқтисодиёти миқёсида ҳам табиий ресурслар чекланган шароитда инновацион фаолият уларнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш, ресурсларни тежовчи технологияларни яратиш ва экологияга бўлган зарарни камайтиришга қаратилган бўлиб, тадбиркорларга таннархни пасайтириш, сифатни ошириш, сотиш ҳажми ва фойдани кўпайтиришга имкон беради.

Инновация – тараққиёт гарови ҳисобланади. Зеро, инновацион фаолиятни ривожлантирган давлатлар фақат технологик етакчилиكنи қўлга киритиб қолмасдан, балки иқтисодий ютуқларга ва макро-иқтисодий кўрсаткичларни ижобий динамикасига еришмоқдалар. Ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг салбий оқибатларини барта-раф этиш даврида ҳам ишлаб чиқариш, молия-банк соҳаларида иқтисодий қийинчиликларни кечирган ва рецессияга дуч келган мамлакатларда (Япония, Ақш, Европа давлатларида) инновацион фаолиятга бўлган харажатларнинг барқарор ўсишини кузатишимиз мумкин. Сўнгги ўн йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар Хитойда 4,3 баробарга, Жанубий Кореяда - 2,4 баробарга, Ақш, Франция, Германия каби давлатларда - 1,5 баробардан кўпроққа ўсганини таъкидлаш лозим.

Инновациялар кўплаб функцияларни ҳам бажа-ради. Ушбу функцияларни умумлаштирилган ҳолда уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) такрор ишлаб чиқариш функцияси;

Мазкур функция инновациялар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг муҳим манбаси эканлигини ўзида ифода этади. Ушбу функциянинг моҳияти инновациялардан фойда олиш ва ундан молиявий ресурслар манбаси сифатида фойдаланишда мужассамлашган.

2) инвестицион функцияси;

Бунда инновациялардан фойда турли йўналишлар бўйича, шу жумладан капитал сифатида, инвестициялаш учун ишлатилиши мумкин бўлади.

3) рағбатлантириш функцияси.

Инновацияларнинг ушбу функцияси инновацияларни сотишдан тадбиркорлик фойдаси олиш орқали амалга оширилади. Бу тадбиркорларни янги инновациялар рағбатлантириш учун стимул бўлиб

хизмат қилади, уни маркетинг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш, талабни ўрганиш, молиявий бошқарувнинг замонавий усуллари қўл-лашга доимий равишда мажбур қилади.

Инновациялар қайси соҳага ёки қандай кўри-нишга эга эканлигидан қатъий назар уларнинг моҳиятини акс этирувчи умумий жиҳатлар бир-лаштириб туради. Биринчидан, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ва ёки бозорга олиб чиқилаётган барча маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар янги (ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган) бўлиши лозим.

Иккинчидан, яратилган маҳсулот ишлаб чиқ-ариш ёки шахсий истеъмол эҳтиёжларини қондира олиши ва айна пайтда киритилган янгилик аниқ бир товар, хизмат ёки жараёнда ўз аксини топган бўлиши талаб этилади.

Учинчидан, яратилган маҳсулот бозор талабига мос келиши, тижорат жиҳатдан ўзини оқлаши ва пировардида ишлаб чиқарувчилар талабини қонди-риш керак.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион йўллари, унинг амал қи-лиш механизмини такомиллаштириш йўналишларига доир тадқиқот натижларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инновацион фаолият билан нафақат илмий текшириш, лойиҳа-конструкторлик бюрolari,

балки тадбиркорлик билан шуғулланадиган бар-ча жисмоний, юридик шахслар ва бу жараёнларга аҳоли кенг қатламининг иштирокини таъминлаш лозим;

2. Инвестициялар, шунингдек, хорижий инве-стицияларини имталаб, иқтисодиётнинг “локомо-тив” (нефт-газ, кимё, енгил саноат, электротехни-ка, қишлоқ хўжалиги) тармоқларига йўналтириш орқали уларда технологик янгилаш, модернизация ишларини амалга ошириш; миллий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини яратиш зарур, бунинг учун макроиқтисодий муҳитни яхшилаш, илмий техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, мамла-катнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирокини фаоллаштириш, молиявий тизимдан, меҳнат ресур-сларидан унумли фойдаланиш механизмини тако-миллаштириш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётида иннова-цион жараёнларни амалга ошириш механизмлари ва йўналишларининг ўзгариши рўй бермоқда. Бун-да инновациялар иқтисодий ўсишнинг иқтисоди-ётни интеллектуаллаштиришга асосланган олға то-мон ҳаракатлантирувчи асосий кучига айланмоқда. Шу боисдан ҳозирги шароитларда фақат инноваци-он, айнан кўп илм талаб қиладиган, малакали ишчи кучида мужассам топган билимларга асосланган юқори технологияли иқтисодиётгина рақобатбар-дош бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. - Б. 23.

Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983. С.278-285.

Абдулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. - Т.: ТашГИВ, 2017. -379 с.

Шадиева Д.Х. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати, Т., 2020. - 58 б.